

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# МАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 24 март  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 58 (2355)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, республика вазирилик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Сурхон воҳасини жанубий сарҳадларимизнинг мустақам қалқони, деяр таърифлади. Утган йили «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги кенг ишонилганда вилоятнинг нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон қайта кашф этганини қайд этди.

Ўртбосшимиз вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ислохотларни ўтказишда суқатлашларга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмаётганини таъкидлади. Кейинги йиллар давомида вилоятда пахта етиштириш

режаси сурункасига бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик даражаси ҳам тобора пасайиб бораётган. Утган йили «занг» касалига чалинган боис галла тайёрлаш режаси 54 фоизга уқдаланди, ҳоло. Бундай қонқарсиз аҳволнинг бош сабаби ислохотлар ўтказишда етарлича қариятнинг йўқлиги, тадбиркорликка кенг йўл очилмаётганидир. Бу эса пировард натижада одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этмоқда.

Президент Ислам Каримов вилоятдаги вазиятни яқшилаш бўйича қўрилиш лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, аввало, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала қўрилди.

Вилоят ҳокими Ж.Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига қўра депутатлар рес-

публика Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаятган Б.Олимджоновни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Шеробод тумани ҳокими А.Лапасов, Термиз Давлат университетининг ректори Н.Тўраев, «Аёл ва замон» газетасининг бош муҳаррири Ж.Эргашева, Олий Мажлис депутати, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Э.Аъзамов вилоятдаги ислохотлар жараёнини жадаллаштириш учун, йўлбосчимиз таъкидлаганидек, турли бўғиндаги раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамжиҳат ва халқ билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилиши зарурлигини айтди.

**МУСУЛМОН НАМАЗОВ,**  
**ЧОРИ ТУХТАЕВ,**  
**ЎЗА МУХБИРЛАРИ,**  
**СУРАТЛАРДА: сессиядан**  
**лаъқалар.**  
**А. ТўРАЕВ ва И. ХўЖАЕВ олган**  
**суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
**Б.Алимджоновни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Бахтияр Алимджоновни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 23 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
**Ж.Норалиевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Жура Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 23 март.

## ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, кадр-ли журтдошлар!

Хурматли депутатлар! Энг аввало, қутлуг Наврўз байрами кунларида сиз азизлар — Сурхондарё вилоятининг вакиллари билан соғомон дийдор қилишга турганимиздан хурсанд бўлганимизни исхор этиб, сизларга, сиз орқали бутун Сурхон аҳлига узинимиз самийи хурмат, эҳтиромимни билдиришга ихозат бергайсиз.

Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, узининг бетакдор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало, кўнгли очиб, бағрикенг, меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизнинг ўзини мафтун этиши бежиз эмас, албатта. Биз Сурхондарё вилоятини жанубий сарҳадларимизнинг мустақам қалқони, ҳар қандай ёвуз куч ва ниятларнинг йўлини тўсидиган ишончли қалқон, деб билимиз.

Утган йили «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги ўзини барча халқимиз билан биргаликда таъна қилганимизда Сурхон воҳасини нафақат юртимиз, балки бутун дунё қайтадан кашф этди. Сурхон аҳлининг нақадар истеҳодли, яратувчилик салоҳияти юксак эканига, қадимий урф-одатлар, минг йиллик анъаналаримизни асрлар оша кўз қорачиқдай асраб ва бойитиб келаятганига гувоҳ бўлдим.

Сурхондарё табиати, унинг тарихи ҳақида ҳар қанча гапирсак, бу ерга меҳр қўйиб, уни совиб, шу юртининг вақтларлари бўлиб яшаётган ориятли одамларни ҳар қанча улугласак арзийди.

Азиз дўстлар!

Уч ой муқаддам мана шу залда бўлиб ўтган сайловлардаги ўрашувда биз вилоятдаги аҳолига ҳолисона ва танқидий баҳо бериб, воқоани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирган эдик.

Вилоят олдидан турган улкан вазифалар, кўп йиллар давомида ечимини қутиб ўтган муаммолар, мана шу эл-юртин қийнаётган масала-

лар ҳақида фикр алмашиб олган эдик.

Бугунги кунда бу муаммолар тобора кескинлашиб бориб, Сурхондарё вилоятининг ҳаётида катта тўғаноқ бўлиб, унинг тарққибига салбий таъсир қўрсаётганини сезмаслик мумкин эмас.

Кейинги тўрт-беш йил давомида Сурхондарё вилоятда ислохотларнинг бориши, ишни ташкил қилиш, иш уқлуби, авваломбор қишлоқ хўжалигида, бошқа тармок ва соҳаларда йўл қўйилган катта оқсоқлик барчамизни ташвишга, ҳерак бўлса, хавотирга солаётгани таъбиридир.

Бутун замон бизнинг олдимизга қандай масалалар ва талаблар қўймоқда? Биз бу талаб ва вазифаларга жавоб беришга қанчалик қодирмиз? Агарки шу ҳолатда қолаверсак, эртанги кунимиз қандай бўлади?

Қанчалик оғир бўлмасин, бутун шу саволлар атрофида оқинчасига гапирлашиб олмасак, тегишли хулосалар чиқармадик, эртанги кел бўлиши мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, Сурхондарё вилояти беқисс салохиятга эга. Воқоанинг ер ости, ер усти бойликлари ҳақида узоқ гапириб мумкин. Деҳқончилик қилиш учун сув бор, умуми ер бошига икки марта ҳосил олишга имкон бериладиган иқлим шароити, қуёш ҳарорати бор.

Қайси соҳани олмайлик, Сурхоннинг олмаю анорини айтаемизки, узуми, хурмою лимонини айтаемизки, сабзавот маҳсулотларини айтаемизки — буларнинг барчаси бутун мамлакатимизда машҳур. Энг муҳими, бу ерда миришкор, уста деҳқонлар, улариинг ҳавас қилса, ўрганса арзийдиган маҳорати бор.

Табиий бир савол туғилади: биз вилоятдаги ана шу салохиятдан, ана шу имкониятдан тўла фойдаланяпмизми? Умуман биз ҳосилдорлик даражаси, ишмизнинг самарасидан мамнун бўлишимиз мумкинми?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Барчамизга яқин маълум: Сурхондарё вилоятининг иқти-

содий ривожланишида қўлгина соҳалар бўйича, аввало, пахта ва галла етиштиришда режалар сурункасига бажарилмапти, ҳосилдорлик камийиб, иш унуми пасайиб бормоқда.

Бу ҳолат вилоятда яшаётган одамларнинг турмуш даражаси, кайфиятига салбий таъсир қўрсаётганини инобат олсак, юқоридаги саволларнинг нақадар ҳаққонли ва ўринли экани, масаланинг шундай қаттиқ қўйилмаётгани барчамизга тушунарли бўлади, деб уқлайман.

Агар сўнги беш йилни таҳлил этадиган бўлсак, вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга қамайганни таъкид қилган бўлиб қайд этишга тўғри келади.

Бунинг натижасида давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йили 94,8 фоиз, 1997 йили 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу ўрсаткич 1999 йилнинг 181 минг тонна пахта режасидан кам етказиб берди.

Хусусан, ўтган йили вилоятдаги пахтачиликка иқтисодлаштирилган туманлардан бирортаси ҳам режани бажара олмади.

Вилоятдаги 143 та хўжаликдан 109 таси режани бажара олмагани, айниқса, Бандикон туманидаги «Хўжайоқ», «Янги ҳаёт», Шеробод туманидаги «Истикбол», Термиз туманидаги «Каттакўм», Қизилқум туманидаги «Оқжар», Мурабоб туманидаги Навоий номидаги 10 та хўжаликларни гектаридан 10 центнерга ҳам етказиб ҳосил ололмаганини нима деб аташ керак?

Бундай аниқли аҳвол галла етиштириш бўйича ҳам мавжудлигини таъсир билан айтиш керак. Бу соҳага назар ташлайдиган бўлсак, кейинги беш йилда бошқоқли дон ҳосилдорлиги 13 центнерга, шולי ҳосилдорлиги 4,5 центнерга пасайиб кетганини қўра-миз.

Давлатга дон сотиш режаси ўтган йили вилоят бўйича 54,8 фоизга бажарилган

бўлса, бу ўрсаткич Бандикон, Ангор, Қизилқум, Қумқўрган, Олтинсой, Узун, Шеробод туманларида 38-50 фоизда қолиб кетди.

Вилоятдаги галлачилик билан шуғулланадиган хўжаликлардан атиги иккитаси галла тайёрлаш режасини бажарган, ҳоло.

Олтинсой туманидаги «Ғолиб», «Хўжаоат», Узун туманидаги «Хўрсанд», Бандикон туманидаги «Дўстлик», Термиз туманидаги «Ўқчил» сингари хўжаликларда галла ҳосилдорлиги 5-10 центнер атрофида, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 та хўжаликда эса ўртача 15 центнерни ташкил этди.

Албатта, бу аниқли аҳволнинг сабаби суқалса, аёв табиий офатга — қутилмаган «занг» касалига олиб бориб қалади. Тўғри, бутлур вилоятда шундай ҳолат содир бўлганини ҳеч ким инкор этмайди.

Бирок, таҳлиллар мазкур ҳолатнинг сабаби фақат бундай эмаслигини ўрсатиб турибди. Галлачиликда ҳосилдорликнинг пасайиши фақат ўтган йили руй бергани йўқ, кейинги тўрт-беш йил давомида қўлгина туманлар ва хўжаликлар учун оммавий «касалик»ка айланиб қолди.

Бу фикрни бошқа соҳалар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Сабабот ҳосилдорлиги ўтган йили 1998 йилга нисбатан 8 центнерга қамайган, узум етиштириш эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага тушиб кетган.

Сўнги йилларда бог майдонлари 1200 гектарга қамайган. Оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлаш-қувват билан ишламаяпти. Улар ўтган йили 34 минг тонна урнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади. Утган йили вилоятда 700 гектар ўрнига фақат 138 гектар майдонга картошка экилган бўлиб, айрим хўжаликларда гектаридан олинган ҳосил 20 центнерга ҳам етмайди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳоли ёмонлашиб бормоқда. Бунини шу йилининг 1 февралига қалба бўлган маълумотга қўра, улариинг дебиторлик қарзла-

ри 2 миллиард 503 миллион сўм, кредиторлик қарзлари эса 6 миллиард 45 миллион сўмдан ортиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжалиги 1999 йилни деҳқончилик соҳаси бўйича 713 миллион 315 минг сўм зарар тўлаётган эканлиги аниқ. Айниқса, Шеробод туманидаги В.Қодиров номида хўжалик 102 миллион сўмдан зиёд, Денов туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик 60 миллион сўмдан ортиқ, Шўрчи туманидаги Дониёров номи хўжалик эса 36 миллион сўм зарар билан чиққан.

Ахир, бу аҳволда бундай хўжаликларда ишлайдиган, шу ерда яшайдиган одамларнинг эришчиликлиги, турмуш шароитини яқшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Вилоятда раҳбарман, шу юртининг етакчисман деб гердайиб юрган кимсалар бу ҳақида уқлайдим-йўқми?

Еки чорва соҳасини олайлик. Афсуски, бу борода ҳам аҳвол бундан яқин эмас. Қорамоллар сонини 3 минг 500 тага, соғин сиғирлар сонини эса 1 минг 38 тага қамайган. Утган йили чорвачиликдан 118 миллион сўмдан ортиқ зарар қўрилган.

Ҳўш, вилоят қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик ва галлачиликда юзага келган бундай яқин ҳолатнинг сабаблари нимадир? Қўраемизми?

Бунинг сабаблари қўра, лекин энг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Аввало, бу нуқсонлар агро-техник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилмаслиги билан боғлиқ. Ўзингиз айтинг, қузни шўдорлаш пайтида фақат 35 фоиз ерга минерал ўнат солинган бўлса, 50-60 фоиз ер текисланмай қолиб ўруқ қадашга тайёрланмаган бўлса, сўғориш ишлари сифатли ташкил этилмасда, қандай қилиб бу майдонлардан белгиланган ҳосилни олиш мумкин?

Еки бир қатор туманларда бошқоқли дон экинлари кучли даражада шўрланган, мелiorатив ҳолати ёмон, 2-3 йил давомида галла экиб келинган, ўт босган майдонларга экилаётганига, техника воси-

талари мавсумга сифатли тайёрланмаётганига нима десак бўлади?

Вилоятда ўруқчилик масаласи билан ҳеч ким жиддий шуғулланмапти. Йиллар давомида синовдан ўтган, Сурхон воҳасининг ер шароити, иқлимга мослашган, бир вақтлар мўл ҳосил берган ўруқ навлари қаёқда қолди?

Гап шундаки, элита ўруқ етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликларга эътибор суқайиб кетган. Касаликларга чидамлик, истикболлиги нини навларни қўлайтириш бўйича етарли даражада иш олиб борилмапти. Энг ачинарлиси, ана шу хўжаликларнинг ўзи агро-техника қондаларини ўзи етмаслиги натижасида яқин навларнинг ҳам сифати бузилмоқда.

Ҳўш, республикамиздаги катта-катта илмий даргоҳларда ўтирган, ўруқчилик масаласига бевосита жавобгар бўлган олимлар қаёқда қараяпти?

Утган хўжалик йилининг салбий натижалари сабабини суқийтиришда, вилоят раҳбарлари, бош айтиганимиздек, галла «занг» касалига чалинганни вақ қилиб қўрсаётганига. Аммо қишлоқ хўжалигида бундай касаликлар бутун пайдо бўлиб қолгани йўқ-ку.

Ҳўш, вилоятдаги шу ҳолат юз берибди, лекин ўсимликлар ҳимояси билан шуғулланадиган идораларнинг мутахассислари галлакорларни бу офатдан ўз вақтида оқоҳлан-дорилар ва усуналар билан таъминлаш, энг муҳими, кимдир бу ишларга бош-қош бўлиши керакми-йўқми?

Нима, гўзанинг қушанда си бўлган вилъет касалига чора топган олимларимиз бу касаликнинг олдини ололмайдими?

Ҳамма гап шундаки, бу борода аввало масъулиятсизлик, бепарволик, ўзибўларчилик, лоқайдликка йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнининг фаол иштирокчиларига айлантириш, деҳқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтириш, банкларнинг омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишни қўлайтириш, шунингдек банклар билан улариинг миқдорлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиб йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик ва ўрта корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технология ва инновация лойиҳаларини ймтиёли кредитлаш мақсуд жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банкларининг ймтиёли кредитлаш мақсуд жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур жамғарманинг ресурсларини қўлайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур ймтиёли кредитлаш мақсуд жамғармаларига ажратмаларини энг юқори ўрсаткичларини, мақсуд жамғармадан кредитлаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда кредит таваккалчилигининг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаларини, захираларни шакллантириш тартибини, шунингдек кредитланадиган лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини қўзда тутсин.

2. Хорижий банкларнинг таърибасини ҳисобга олган ҳолда ўз сармоқини ва жалб этиладиган маблағлар ҳақини муттасил қўлайтириб бориш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек иқтисодийнинг реал тармоғи, аввало, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш шакллари, турлари ва миқдорларини кенгайтириш тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини кредитлашга йўналтирилган ўз маблағларини қўлайтириш борасида тижорат банкларининг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 1 апрелидан борулаб Марказий банкнинг ўзаро-чан қайта молиялаш ставкасини белгилаш механизмининг жорий этиши, уни инфляция даражасининг суқати, пул бозоридидаги талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда ой сайин ўзгартириб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставка суқати ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларига ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарига бериладиган кредитлар бўйича фойда ставкаларини қамайтириш тавсия этилсин;

тижорат банклари томонидан жимсоний шаклларнинг жалб этиладиган муқдатли омонатлари (депозитлари) бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаш бўйича амалдаги ставкасининг қамидда 75 фоизи миқдорда, жимсоний шаклларнинг депозитлари бўйича эса қамидда 50 фоизи миқдорда фойда ставкаларини белгилашлар мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин, бунда ўз вақтида жалб этилган депозитлар бўйича депозит битимининг амал қилмаган бугун муқдатли муборанида ўзгармас фойда ставкаларини сақлаб қоллиниши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига бир ой муддатда қўйиладиган тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик билан биргаликда тижорат банклари томонидан жимсоний ва юридик шаклларнинг бўш маблағлари, шунингдек хорижий банклар ва молия институтларининг маблағлари қўшимча равишда жалб этилишини рағбатлантиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

тижорат банкларининг иш-

лаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарини кредитлашга йўналтирилган ўз маблағларини қўлайтириш рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Марказий банкдаги захираларидан омиликорлик билан ҳамда оқилона фойдаланиш механизмининг ишлаб чиқиб, жорий этиши;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирилик ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда, республикада таъриба тариқасида тижорат банкларининг ишончилигини ва ликвидлигини даражасини рейтинг усулида баҳолашни жорий этиш таклифини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. Ўзбекистон Банклари уюмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирилик, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларнинг республикадаги ваколатхоналари билан биргаликда ўч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига банк ва молиявий хизматлар қўрсатиш бўйича таклифлар киритсин.

Қўйиладиган Марказий фаолиятнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: молия ва пул бозорларининг талаб ва тақлифларининг ўрганиши, пул муомаласининг, миллий валюта барқарорлигининг, молия-банк тизимини янада ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

молия-банк тизимини ислох қилиш сибасини тақомиллаштириш, унинг кўпроқ очик-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиётда тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмининг мустақамлаш, валюта сибасини эркинлаштириш, республикада энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

банклар ва молия институтларининг халқаро мустақил аудити натижалари асосида ишончилиги, ликвидлик, даромадлилик қўрсаткичлари бўйича улариинг мунтазам рейтинг баҳоси бериб борилишини ташкил қилиш;

хорижий компаниялар ва банкларга Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини инвестициялаш ҳамда улариинг республика молия-банк тизимини ривожлантиришда иштирок этиш имкониятларини ва истиқболлари бўйича мустақил хизматлари қўрсатиш.

5. Тижорат банкларига аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишчи таърибаси ташкилотларига мақсулот топширувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун тузилган шартномаларда қўзда тутилган нархларга ва етказиб бериш муқдатларига мувофиқ улариинг амалда харид қилинган мақсулот ҳақининг 100 фоизи миқдорда нақд пул маблағлари беришга ихозат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирилик, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда тижорат банклари томонидан тайёрлов ташкилотларига нақд пул маблағларини бериш ҳамда улариин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашининг ўзига ҳоқ жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан харид қилинадиган шундай мақсулотлар учун ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(Давоми 2-бетда).

**ОҚ ПИЛЛАМИ,  
«ОХ» ПИЛЛА?**

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Пиллачиликни озукта базасини мустақамлаш ва ишлакчи маҳсулотлари етиштириш жамғарини қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатда пиллачиликни маъжуд озукта базасини сақлаб қоллиш ва уни янада ривожлантириш, шу асосда пилла етиштириш қўлайтириш мақсадида кўзда тутилган. Газетамизнинг учинчи саҳифасида эълон қилинаётган «Оқ пиллами, «оқ» пилла?» сароҳахли мақолада соҳабда маъжуд муаммолар тўғрисида гапирилади. Пилла маъжуди бошланғич арасида бу муаммоларга ечим топиш, ишлакчи янги талаблар асосида ташкил этиш тармоқ тарққиб уни муҳим омили бўлиши, шубҳасиз.

АНОНС





Мухбиримиз сафардан қайтди

РАД ҚИЛИНГАН ҮН ТҮРТТА ТАҚДИФ

Бухоро шариф дуйнинг қадимий шаҳарларидан бири. Унинг шаҳар сифатида шаклланишига 2500 йилдан ошганлигига тарих гувоҳлик беради...

ларда мактаса арзғулик спорт қосоналари, соғломлаштириш мажмуалари, мухташам теннис кортлари ишга туширилди. Аммо буларнинг ҳаммаси шаҳарда — вилоят марказида...

ПЕШКУДА СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНИШМАЙДИМИ Е ШАРОИТ ЙҮҚМИ?

Албатта, иккинчи ҳолат бўлса, ким ҳам спорт билан шуғулланиш хохламайди? Аммо олдин туман спорт кўмитаси раиси Таваккал Самиевнинг ҳисоботидан олинган қўйидаги рақамга эътибор беринг — 2837. Бу — туман бўйича спорт билан шуғулланувчиларнинг жами сони...

қилдим: — Муҳлислар шунда ўтиришадими? — Йўқ, ҳозир стадионда таъмирлаш ишлари кетаётгани учун ўриндиқларни олиб қўйганмиз, — деди туман футбол клуби раиси Хислат Шобоев...

га ўтдик. Туман спорт кўмитаси раиси Абдусамид Нороров бизни илиқ кутиб олиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор қатта эканлигини тўқилганини гапирди. Пешкудан фарқи ўларок, бу ерда нафақат кураш ва футбол, балки бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, кўл жанги, джо-до, теннис билан шуғулланишар экан...

ХУЛОСА ҲАҚИДА

Биз шу жараёнга ҳозирдан қарай туришимиз мумкин, — дейди вилоят спорт кўмитаси раисининг ўринбосари Валерий Шодиев. — Аммо вилоятимизда коллежнинг ўзи йўқ...

— Биз шу жараёнга ҳозирдан қарай туришимиз мумкин, — дейди вилоят спорт кўмитаси раисининг ўринбосари Валерий Шодиев. — Аммо вилоятимизда коллежнинг ўзи йўқ...

— Биз шу жараёнга ҳозирдан қарай туришимиз мумкин, — дейди вилоят спорт кўмитаси раисининг ўринбосари Валерий Шодиев. — Аммо вилоятимизда коллежнинг ўзи йўқ...

МУРАББИЙНИНГ АҲВОЛИ ШУ БЎЛСА...

Пешкуда ҳафсаламиз пир бўлиб, Ғиждувон-Вазирлар Маҳкамасининг қарори юзасидан туманда «Маҳорат» спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилди...

— Ҳашар йўли билан кураш зали қурдик, — деди Абдусамид Нороров. — Ҳа-а, — Уша қушнинг номи нима? — Тепасидаги саккиз қиррали юлдуз ва ярим ой нима...

— Ҳашар йўли билан кураш зали қурдик, — деди Абдусамид Нороров. — Ҳа-а, — Уша қушнинг номи нима? — Тепасидаги саккиз қиррали юлдуз ва ярим ой нима...

UZEXPOCENTRE KURGAZMA 28-31 март 2000 й. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга - 2000. Иш вақти: 28.03.2000 й. 11.00дан 17.00гача; 29-31.03.2000 й. 10.00дан 17.00гача. Манзилгоҳ: Токшент ш., А.Темур к., 107, «ЎзэкспоМарказ».

ДАРДНИНГ ДАВОСИ — ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ ШИФОҚОР МАСЛАҲАТИ. Сил касалиги — инсон саломатлигининг муҳими ва долларб муаммоларидан бири. Бугун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан сил таёқчаси аниқланган ва топилиши 24 марта кунги халқаро силга қарши кураш кунини, деб бежиз эълон қилинмаган...

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА» ҲАҚИҚАТ ШИФОҚОР МАСЛАҲАТИ. Сил таёқчаси бемор балғамда, сўлгада, сийдикда, жинсий аъзолар ажратмалари орқали атроф-муҳитга тарқалади. Инсон организмидеги сил инфекцияси асосан ҳаво, силга чалинган қорамол сuti ва гўшти, шунингдек контакт-муҳит орқали юқди ва хасталик келтириб чиқаради...

(Газетанинг навбатдаги сони 28 март, сешанба кунини чиқади).

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА» ҲАҚИҚАТ ШИФОҚОР МАСЛАҲАТИ. 2000 йил 14 апрел кунини соат 15-00да Наманган вилояти Поп тумани Халққобод кўрғони жамият йиғинида ҳиссодорларнинг умумий мажлисини ўтказилади.

Table with financial data: KURSATKICHLAR, AKTIV, PASSIV. Includes items like Uzoq muddatli aktivlar, Kapital, Uzoq muddatli investitsiyalar, I b'ulim jami, II b'ulim jami, MAJBURIYATLARI, OLINGAN AVANSLAR, KREDITORLAR, II b'ulim jami JAMI.

Узбекистон Республикаси Президентининг Иқтисодчилар уюшмаси президенти, иқтисод фанлари доктори, академик, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Саидмахмуд УСМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ҳ. ШОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сўйиш ҳаёти — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Маълумот ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибхона — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 196, 27017 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета PENTIUM-III компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Навбатчи — О. РАҲЖАБОВ. Мусоҳиҳ — А. САТТОРОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Токшент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 22.40 1 2 3 4 5 6

Антибиотиклар ишлаб чиқарувчилар пешқадами — «ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ. Барча дорихона, шифохоналарга НАВРЎЗ СОВҒАСИ. «ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ 2000 йилнинг 1 январидан 31 мартгача ўз дору-дармонларини консигнация шартларида сотишни йўлга қўйди.

Узбекистон Иқтисодчилар уюшмаси президенти, иқтисод фанлари доктори, академик, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Саидмахмуд УСМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.